

Мисрда дунёдаги энг катта масжид қурилиши бошланди



19:00 / 15.03.2021 3301

Миср дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлган йирик Ислон маданий марказини қуриш лойиҳасини бошлади.

Россиянинг Al Youm веб-сайтидаги хабарларга кўра, Arab Contractors компаниясининг бошқарув кенгаши аъзоси Маҳмуд Аббос Мисрда Ислон маданий маркази «Миср масжиди»ни қуриш лойиҳасини амалга ошираётганини эълон қилди.

Маҳмуд Аббос ушбу марказ Мисрнинг янги маъмурий пойтахти (Қоҳира яқинида) Вадан шаҳрида қурилаётган энг муҳим лойиҳалардан бири эканлигини ва дунёдаги энг катта масжидлардан бири сифатида кўриб чиқилишини таъкидлади.

Унинг айтишича, қурилиши бошланган масжидда 107 минг киши ибодат қилиши кўзда тутилмоқда, миноралари баландлиги эса 140 метр, шунингдек эркаклар ва аёллар, болалар учун алоҳида Қуръон ўқиш жойи, маросим ва тадбирларни ўтказиш учун катта заллар ҳамда бизнес маркази бунёд этилмоқда. 3000 автомобилга мўлжалланган кўп қаватли автотураргоҳ ҳам қурилиш лойиҳасидан ўрин олган.

Хуршид Маъруф тайёрлади